

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛПАНОВА ШИРИНХОН ХАКИМОВНА

**ИУТҚИЙ ФАОЛИЯТ ЖАРАЁНИДАГИ РУҲИЙ ҲОЛАТЛАРНИНГ
ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТУРЛИ САТҲ БИРЛИКЛАРИ ВОСИТАСИДА
АКС ЭТИШИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

УЎК: 811.512.133.:159.946.3:81-25(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

Алпанова Ширинхон Хакимовна

Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг
турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши 3

Алпанова Ширинхон Хакимовна

Отражение психических состояний в процессе речевой деятельности
по средством единиц разных уровней узбекского языка..... 25

Alpanova Shirinxon Hakimovna

Reflexion of spiritual state in the progress of speech akt by means of
different levels of the uzbek language 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛПАНОВА ШИРИНХОН ХАКИМОВНА

**ИУТҚИЙ ФАОЛИЯТ ЖАРАЁНИДАГИ РУҲИЙ ҲОЛАТЛАРНИНГ
ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТУРЛИ САТҲ БИРЛИКЛАРИ ВОСИТАСИДА
АКС ЭТИШИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil381 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шаҳобиддинова Шохида Ҳошимовна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Искандарова Шарифа Мамадалиевна филология фанлари доктори, профессор
	Мадраҳимов Илҳом Собирович филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

Ш.М.Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида нутқнинг (матннинг) яратилиши, қабул қилинишининг лингвистик, психологик аспектларда таҳлил қилишга доир психолингвистик тадқиқотлар нутқий фаолиятнинг янги қирраларини очиб берди. Оммавий ахборот воситалари, интернет таъсир доирасининг кенгайиши нутқнинг когнитив, психолингвистик, прагматик томонига эътибор қаратиш кечиктириб бўлмас вазифа эканлигини исботлади. Нутқнинг яратилиши унда муаллиф дунёқараши, ҳис-туйғулари, руҳий кечинмаларининг акс этиши, нутқ (матн)нинг реципиент томонидан қабул қилинишига ушбу руҳий ҳолатларнинг таъсири муаммоларига илмий ечим топиш зарурлигини кўрсатди.

Дунё тилшуносларининг эътироф этишича, ер юзини қамраб олган глобаллашув жараёни инсонлар ўртасидаги мулоқот ва муносабатларнинг ҳам жадаллашишига сабаб бўляпти. Инсоннинг табиатида мавжуд бўлган янгиликка интилиш, илм-фан, маънавий ва маданий соҳалардаги кашфиётлар билан танишиш эҳтиёжи хорижий тилларни ўрганиш истагининг кучайишига олиб келар экан, нутқий фаолият билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топиш тилшунослар олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Шунинг учун нутқий ахборотнинг яратилиш, қабул қилиниш жараёнларини амалий тадқиқ қилиш асосий масалалардан бирига айланди. Ушбу муаммо татбиқий тилшуносликнинг психолингвистик йўналиши асосида ҳал қилинганда нутқ учун аҳамиятли бўлган барча жиҳатлар қамраб олинади.

Мамлакатимизда ҳам тил ва жамият ўртасидаги алоқадорлик масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Сиёсий ўзгаришлар тилнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, функциявий хусусиятларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. «Инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак».¹ Шу нуқтаи назар билан қараганда, 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб номланиши тарихий, илмий ва ҳаётий асосга эга. Ушбу эҳтиёж натижасида бир неча фанлар уйғунлигида тил тизимини шахс билан боғлиқ равишда тадқиқ қилиш асносида замонавий тилшунослигимизда психолингвистика фани шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртдан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлаш // Халқ сўзи. –Тошкент, 2016, 8 декабрь. – №243.

тўғрисида»ги 304-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ва маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Мулоқот ахборот алмашув жараёнидир. Г.В. Колшанский таъбири билан айтганда, коммуникация ҳамма вақт фикр ва ахборот алмашиш мақсадини кўзлайди ва у инсоннинг меҳнат, ижтимоий фаолият жараёнида юзага келадиган амалий ва назарий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.² Мулоқотнинг тўлақонли амалга ошишида иштирокчиларнинг ўзаро муносабатини (руҳиятини), мулоқот муҳитини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ахборот узатиш ёзма ёки оғзаки усулда кечади. Коммуникациянинг сифатли амалга ошиши коммуникатив шароит, когнитив ва психолингвистик омиллар, лисоний ва нолисоний факторлар билан узвий боғлиқ. Продуциент–матн–реципиент модели коммуникациядаги нутқ (матн)нинг вазифавий жиҳатларини ўрганишдаги минимал тизимдир. Бу тизим доирасида нутқий фаолиятнинг икки тури фарқланади. Муаллиф (продуциент)нинг нутқ яратиш (фикрлаш) фаолияти ва ўқувчи (реципиент)нинг нутқ қабул қилиш (идрокий) фаолияти. Нутқий фаолият жараёни биринчи ҳолат учун «фикр-матн» модели асосида шаклланса, иккинчисида «матн-фикр» модели устуворлик қилади. Психолингвистика соҳасида илмий изланишлар олиб борган қатор олимлар муаллиф ўз фикрини матнда қай даражада акс эттирса, шунга мос равишда ўқувчи ёки тингловчи ҳам қабул қилади деган хулосага келганлар.³ Муаллифнинг индивидуал ўзига хосликлари, маҳорати, руҳияти, дунёқараши, қайси миллатга мансублиги нутқ характериға таъсир қилганидек, ўқувчи ёки тингловчининг индивидуал ўзига хос жиҳатлари ҳам матннинг қабул қилинишиға, идрок этилишиға сезиларли таъсир кўрсатиши рус тилшунослари томонидан эътироф этилган.⁴

Тил ва инсон масаласиға дастлаб В.фон Гумбольдт, А.Вайсгербер, Л.Блумфильд, Э.Сепир, Бодуэн де Куртенэ, А.А.Потебня, А.А.Шахматов каби тилшунослар эътибор қаратди. Дунё тилшунослигида нутқни антропоцентриқ парадигма асосида ўрганиш, психосемантика, психолингвис-

² Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М.:Наука, 1974. – С.34.

³ Белянин В.П. Лексические элементы текста в психолингвистическом аспекте. – М.:Наука, 1983; Дридзе Т.М. Текст как иерархия коммуникативных программ. – М.:Наука, 1976; Сорокин Ю.А. Взаимодействие реципиента текста теория и прагматика. – М.:Наука, 1978; Новиков А.И. Лингвистические и экстралингвистические элементы семантики текста. – М.:Наука, 1982.

⁴ Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М.:Наука, 1982; Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. – М.:Наука, 1976; Леонтьев А.А. Понятие текста в современной лингвистике и психологии. Киев., 1979; Зимняя И.А. Предметный анализ текста как продукта говорения. – М.:Наука, 1976.

тика, нейролингвистика, прагматик тилшуносликка оид тадқиқотларда кўзга ташланади. Хусусан, Н.Хомский, И.Р.Гальперин, Н.И.Жинкин А.А.Леонтьев, Е.С.Кубрякова, В.П.Белянин, М.Дридзе, К.Ф.Седов, А.Нурмонов, Н.Махмудов, Э.Бегматов, Ш.Сафаров, С.Мўминов, С.Боймирзаева, И.Азимова, Д.Худойберганава каби олимларнинг илмий тадқиқотларида нутқ жараёнидаги субъектив факторларга эътибор қаратилган. Ўзбек тилшунослигида тил бирликлари ХХІ аср бошларидан психоллингвистик таҳлил этила бошлади. Тадқиқотларда нутққа когнитив-дискурсив фаолият сифатида ёндашилган. Бу борада бажарилган илмий ишлар когнитив тилшунослик назарияси, матннинг социоллингвистик, прагмаллингвистик хусусиятлари, унинг дискурсив-когнитив жиҳатлари, публицистик матннинг мазмуний перцепцияси, ўзбек болалар нутқининг социопсихоллингвистик тадқиқи ҳамда антропоцентрик парадигманинг назарий муаммоларига бағишланган.⁵ Аммо кенг маънодаги нутқий фаолият лингвистик тадқиқот объекти бўлмаган, ўзбек тилидаги оғзаки ва ёзма матнлар психоллингвистик нуқтаи назардан монографик аспектда тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг системавий ва прагматик тадқиқи» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нутқ(матн)нинг яратилиши ва идрок жараёнини тадқиқ этиш, коммуникация жараёнидаги субъектив баҳонинг ўзгариб туриши руҳият билан боғлиқ эканлигини кўрсатиш, мулоқотда бевосита иштирок этувчи лингвистик бирликларни психоллингвистик таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нутқий фаолиятнинг умумий қонуниятлари асосида оғзаки ва ёзма нутқнинг яратилиши, қабул қилинишидаги психоллингвистик омилларни аниқлаш;

⁵ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанл. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанл. докт. ... дисс. – Тошкент:2001; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.–Жиззах:Сангзор,2006; Сафаров Ш. Прагмаллингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008; Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎЗМУ, 2008; Нурмонов А. Имманентликдан когнитивликка // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2009. – №6.– Б. 104-107; Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фанл. Докт. ... дисс. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2010; Махмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24; Усмонова Ш. Психоллингвистика: – Тошкент: Университет, 2011; Раҳимов А. Тилни парадигмалар асосида ўрганиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 2. – Б. 20-25; Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16; Махмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3-8; Махмудов Н. Фан тили ва тил фани // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013.–№5.– Б.3-10; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари.–Андижон, 2012. – Б. 212-220; Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти.– Тошкент,2013.–№ 3.– Б. 35-39; Усмонова Ш., Бекмухамедова Н., Искандарова Г. Социоллингвистика: – Тошкент: Университет, 2014.

идрок жараёнининг симметрик ва асимметрик жиҳатларини, дискоммуникацияни юзага келтирадиган психолингвистик тўсиқларни кўрсатиш;

коммуникация жараёнидаги субъектив баҳо, баҳо мезонлари ва субъектив баҳонинг нутқ (матн)да акс этишида психолингвистик омилларнинг ролини кўрсатиб бериш;

рухий ҳолатларни ифодалашда ўзбек тилининг турли сатҳ бирликларидан фойдаланиш имкониятини бадий матнларнинг психосемантик таҳлили асосида очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилидаги оғзаки ва ёзма матнлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети ҳозирги ўзбек тилидаги матнларнинг психосемантик, психолингвистик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, қиёслаш, зиддиятга қўйиш, компонент, психосемантик, ассоциатив таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нутқнинг яратилиши, продуциент ва реципиент муносабати психолингвистик нутқий тафаккур ҳодисаси сифатида илк бор таҳлил этилган;

психолингвистика фанининг тарихи ва тараққиёти ҳақидаги фикрлар умумлаштирилиб, унинг ўзбек тилшунослигидаги мавқеи белгиланган;

турли вазиятларнинг сўз орқали ифодаланиши матн мазмунига ва матн ортидаги реалликка мослиги кўрсатилган;

лисоний воситаларнинг ижобий ёки салбий субъектив муносабатни ифодалашдаги роли аниқланган;

продуциент ва реципиент ўртасидаги муносабат, продуциент ва матн, реципиент ва матн ўртасидаги муносабатнинг руҳият билан уйғунлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертация материаллари социолингвистика, прагмалингвистика ва таржима назарияси, нейролингвистика, матн лингвистикаси фанларидан маърузалар ўқишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба бўлиши, филология йўналиши талабаларига мўлжалланган дарсликлар, шунингдек, мутахассислик бўйича қўлланма, амалий тавсияларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўзбек тилидаги матнларнинг психосемантик, психолингвистик хусусиятлари аниқланганлиги ва илмий қарашлар баён этилганлигида кўринади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар

Ўзбек тилидаги турли сатҳ бирликларининг психолингвистик жиҳатларини ёритишда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан «Когнитив тилшунослик», «Психолингвистика», «Прагматик лингвистика», «Психосемантика», «Социолингвистика» каби дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган илмий натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

нутқнинг яратилиши ва идрок жараёни, объектив борлиққа субъектив-хиссий муносабат, субъектив баҳонинг тилнинг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши ҳақидаги назарий хулосалар 2012-2014-йилларда бажарилган ИТД-1-57 рақамли «Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш» давлат амалий гранти лойиҳасида ўз ифодасини топган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 январдаги 89-03-21- сон маълумотномаси). Натижада таълим тизимида бадий асар тилини психолингвистик таҳлил қилишга эришилган;

сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат, сўзловчи ва матн, тингловчи ва матн ўртасидаги муносабатнинг руҳият билан уйғунлигига оид хулосалар А-1-126. «Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари» давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги тадқиқот грантида фойдаланилган.(Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 январдаги 89-03-21- сон маълумотномаси). Натижада таълим тизимида ўсмир ёшидаги ўқувчилар билан ишончли мулоқот ўрнатишда психолингвистик ёндашув жорий этилган;

оммавий ахборот воситаларида коммуникациянинг психолингвистик жиҳатлари ҳақидаги хулосалар Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2017- 2018 йилларда эфирга узатилган «Муносабат», «Кун мавзуси» номли кўрсатувлар ва «Андижон радиоси»нинг «Маънавият сарчашмалари», «Бугуннинг гапи» номли эшиттиришларида фойдаланилган.(Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 29 январдаги 19-23/29-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва радиоэшиттириш материаллари янгича қарашлар билан мазмунан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро конференцияда, маъруза кўринишида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, 9 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 145 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Татбиқий тилшунослик ва психолингвистика**» деб номланиб, илк фаслда «Психолингвистиканинг тарихи ва тараққиёти» ҳақидаги фикрлар ифодаланган. XX аср охирига келиб ўзбек назарий тилшунослиги катта ютуқларга эришди. Назарий тилшунослик борасида катта тажриба ва материал йиғилди. Ушбу назарий билимлар ижтимоий-иқтисодий наф келтирувчи татбиқий йўналишларни амалга ошириш учун етарли дейишга барча асос бор. Мулоқот муаммоларининг давлат сиёсати даражасида қўйила бошлаши фикримизнинг исботидир. «Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди».⁶ Жаҳонда тўпланган психолингвистика борасидаги катта тажрибани ўрганиб, ўзбек тили материаллари асосида қайта кўриб чиқиш ушбу сиёсатга тилшунослик фанининг муносиб ҳиссаси бўлади.

XX аср тилшунослигида етакчи бўлган системавий йўналишнинг асосий тамойилларидан бўлган «тилни ўзида ва ўзи учун» моҳият сифатида ўрганишдан, ушбу моҳиятнинг юзага чиқиш усул ва шакллари ўрганишга кўпроқ зарурият туғилгани кўриниб қолди. Тил ахборот тўплаш ва уни ифодалаш қуролидир. Шу билан бирга инсонга унинг шахси, маданияти ва ментал хусусиятлари борасида баҳо бериш имкониятига эга. Тилга бундай қараш натижасида турли фанлар кесишмасида тилшуносликнинг бир қатор янги йўналишлари юзага келди: нейролингвистика, гендер лингвистикаси тижорат лингвистикаси, суд лингвистикаси, психолингвистика. Тил онг шаклланиб бориши ва унинг маҳсулоти ифодаланиши учун қурол эканлиги билан биргаликда тилнинг тафаккурга таъсир ўтказишда ҳам энг етакчи восита эканлигини таъкидлаш зарур. Инсон тилининг ўрнини инсон ва дунё муносабатлари сирасида баҳолашга уринишлар замонавий тилшуносликка бугунда ниҳоятда фаоллашиб бораётган оламнинг лисоний манзараси атамасини олиб кирди.⁷ Оламнинг инсон томонидан (миллат томонидан) яратиб олинган лисоний манзараси инсон(миллат)нинг оламга

⁶ Мирзиёев. Ш.М Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлаш // Халқ сўзи. –Тошкент, 2016, 8 декабрь. – №243.

⁷ Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – №3. –Б.3.

муносабатидан, унинг оламда тутган ўрнидан келиб чиқади, шунингдек, оламга инсоннинг муносабатларини ҳам шакллантиради. Кейинги бир неча ўн йилликда инсон учун доимо муҳим бўлган ижтимоий мулоқот масаласи ўта долзарб бўлиб қолди. Инсоннинг юқорида айтиб ўтилган ва бошқа эмоционал, руҳий, ижтимоий муаммоларини ҳал этишда она тилидан фойдаланиш имконини берувчи фан – психолингвистикани юзага келтирди.⁸

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан психолингвистика тилшуносликнинг татбиқий йўналиши сифатида танилди ва фан сифатида мазмун, моҳият касб этди.⁹ Психология ва тилшунослик фанининг ҳамкорлиги узоқ тарихга эга. В.Гумбольдт лингвистик концепциясининг энг муҳим жиҳати – нутқий фаолиятда социаллик ва индивидуаллик диалектикаси тушунчасини тилшунослик фанига олиб кирганидир. Олим ҳар бир тилда тил эгаларининг дунёқараши акс этиши, тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг турлича эканлигида эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг фарқлилиги натижаси эканини айтади. «Тилларнинг структур фарқланиши ва унинг кишиларнинг руҳий оламига таъсири» номли мақоласи психолингвистик қарашларнинг илк назарий манбаси сифатида тан олинади. В.Гумбольдт лингвистик қарашларининг фалсафий асослари сифатида немис файласуфлари И.Кант ва Г.Гегель фалсафасини кўрсатиш мумкин. Хусусан, И.Кантнинг «Антропология прагматик нуқтаи назаридан» асарида коммуникация жараёнида коммуникантлар ўртасидаги ахборот узатиш ва қабул қилишнинг зиддиятли характерда бўлиши таъкидланади. У товуш бирлигини ирсият билан боғлаб, руҳий бирликни эса жамият бирлиги-социал фактор билан изоҳлайди. Шундай фикрни Гумбольдтдан 900 йил олдин «иккинчи муаллим» номи билан машҳур бўлган Абу Наср Форобий ҳам билдирган эди. «Ҳар қандай билиш даставвал, ўзини қуршаб турган оламдаги нарса ва ҳодисаларни кузатишдан бошланади. Тафаккур фаолияти билан ҳосил қилинган моҳият ўзининг табиий асосидан олдин бўлиши мумкин эмас. Билишдан мақсад ҳақиқатга эришмоқдир».¹⁰ Онг воқеликнинг ҳам ақлий, ҳам ҳиссий инъикосини қамраб олади. Шунингдек, у инсон ҳиссиётларини, иродасини ҳам ўз ичига олади.¹¹ А.Навоий имконият тарзидаги сўзни (тил бирлиги), соҳиби ихтисос (сўзловчи) томонидан турли жилвалантирилишини эса (нутқ бирлиги) эканини баён қилади, сўзни инсонни ҳайвондан ажратган буюк неъмат сифатида баҳолайди.¹² Бизнингча, психолингвистиканинг негизини ҳам айти шу фикрлардан излаш тўғри бўлади. Ушбу илмий қарашларни ХХI аср тилшуносларининг тадқиқот объектига айланган нутқнинг яратилиши ва унда субъектнинг ўрни, сўзловчи ва тингловчининг ўзига хос жиҳатларини коммуникацияга таъсири,

⁸ Шаҳобиддинова Ш. Татбиқий тилшунослик тезислари.// Илмий хабарнома. – АДУ, 2016. – №3 – Б.85.

⁹ Цит по: А.А.Леонтьев. Психолингвистика. – Л.:Наука, 1967. – С.7.

¹⁰ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.:Мерос, 1993. –Б.3.

¹¹ Туленов Ж. Ғафуров З. Фалсафа. – Т.:Ўқитувчи, 1997. – Б.182.

¹² Uluqov N. Turkiy filologiyaga kirish. – Т.: Navro'z, 2016. – В.43.

коммуникантлар руҳиятининг нутқда акс этиши, нутқнинг яратилиши каби долзарб масалаларнинг негизи дейиш мумкин.

Рус тилшунослари нутқий фаолият жараёнидаги ҳар бир босқични фаолият мотивлари билан изоҳладилар. Мотивларнинг ўзгариши шахс эҳтиёжлари ва талаблари даражасининг ўзгаришига мос тарзда рўй беради. Рус тилшунослигида Л.С.Выготский, А.А.Леонтьев, А.Р.Лурия асос солган психоллингвистика мактаби Америка психоллингвистикасидан шу жиҳатлари билан тубдан фарқланди.

Биринчи бобнинг иккинчи қисмида «Психоллингвистиканинг предмети, объекти ва унинг ўрганилиш даражаси» ҳақида сўз боради. Нутқ физиологияси, психологияси, тафаккур ва нутқ патологияси, мантиқнинг объекти бир нарса эканлиги ҳақида кўп гапирилади.¹³ Уларнинг барчаси индивидуал воқелик ёки индивидуал объектни тадқиқ этади. Аммо абстракция жараёни бу соҳаларнинг ҳар бирида турлича кечади ва шунинг натижасида ҳар бир фаннинг назарий тизими ичида турли абстракт объект яратилади. Ҳар қандай лингвистик тадқиқот кучли даражадаги абстракцияга асослангандагина у чинакам ҳақиқатга эришади.¹⁴ Дунё тилшуносларининг фикри нутқнинг вужудга келиш механизмини ўрганиш, болалар нутқининг шаклланиш жараёнини ўрганиш, турли нутқий вазиятда нутқни сўзловчи билан тингловчи ўртасидаги муносабатни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш, нутқнинг ахборот ташиш функциясини ўрганиш каби масалалар психоллингвистиканинг ўрганиш объекти бўла олади деган нуқтада кесишади ва умумийлик касб этади. Психоллингвистиканинг тадқиқ манбаи нутқ жараёни ва унинг бирликларидир. Психоллингвистика маълум бир шароитда маълум бир ахборотни нутқ бирликлари воситасида тингловчига етказишни, бу нутқ парчасида сўзловчи руҳиятидаги ўзгаришларнинг қай даражада акс этишини ва унинг тингловчига таъсири масалаларини ўрганади. Нутқда ахлоқ-одоб, сўзлашиш расм-русумлари, нутқнинг муайян эҳтиёжлари, сўзловчи ва тингловчининг ёши, савияси, маданият даражаси кабилар ўз аксини топади ва буларнинг барчаси психоллингвистиканинг тадқиқ манбаи ҳисобланади. Мулоқот инсон психологияси ва физиологияси билан чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Чунки ҳар қандай нутқ тафаккур билан, тафаккур эса руҳият билан боғлиқдир.

2-боб «**Нутқий фаолиятнинг умумий қонуниятлари**» деб номланган. Биринчи қисмда «Оғзаки нутқ яратилишининг психоллингвистик жиҳатлари» ёритилган. Нутқнинг яратилиш жараёни икки босқичдан иборат эканлиги ҳақида дастлаб Л.С. Выготский шундай деган эди: «Жонли нутқий тафаккур дастурида ҳаракат мотивдан бошланиб, фикрдан фикр шаклланиб ички сўзга,

¹³ Леонтьев А.А. Психоллингвистика, –Л.: Наука, 1967; Леонтьев А.А. Психоллингвистические единицы и порждение речевого высказывания. – М.:Наука, 1969; Леонтьев А.А. Основы психоллингвистики. – М.: Академия, 1997; Леонтьев Д.А. Психология смысла. – М.: Смысл, 2007; Личностные аспекты языкового общения. Калинин, 1989; Философия. Логика. Язык. –М.: Прогресс, 1987; Лурия А.Р. Язык и сознание. – М.: 1979; Умумий психология. –Т.:Ўқитувчи, 1975; Туленов Ж. Ғафуров З. Фалсафа. –Т.:Ўқитувчи, 1997.

¹⁴ Серебренников Б.О. О материалистическом подходе. – М.:Наука. – С.7.

кейин ташқи сўзга ва ниҳоят сўзларга айланади».¹⁵ В.З.Демяньков матн яратилиш жараёни ҳам икки босқичдан иборат эканлигини таъкидлайди. Матн тузишни режалаштириш (концептуал мазмунни тартибга солиш); матн генерацияси (табiiй тилга трансформация қилиш). Ахутина таклиф этган нутқнинг яратилиш модели руҳан соғлом одамларгагина мос келади. Руҳий хаста, маст, ҳатто уйқусираш ҳолатида ҳам ички нутқ бўлмайди, ҳар қандай маънодан ҳоли ташқи нутқ бўлади. Л.С.Выготский таърифидаги биринчи босқич – мотивлаш, бир сўз айтишдан олдин фикрлаш босқичи рўй бермайди. Фикримиз исботи сифатида барчага яхши таниш бўлган бадиий матнларга мурожаат қиламиз:

«Кўлага ялингансимон унга яқин юриб келди...

- Ким бу?

- Мен Кумуш!..

Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнуна Зайнаб эди.

- Кет мундан!

*- Мен Кумуш!.. – деди яна Зайнаб, аммо кетмай иложи қолмади».*¹⁶

Зайнаб Отабекка шу қадар ошиқ эдики, ҳатто мажнуналик ҳолида ҳам суюқлиси учун Кумуш бўлишни истайди. Гўёки, «**Кумуш**» сўзи жавобсиз муҳаббатининг жавобини топиб берадиган, жондан ортиқ кўрган инсонининг юрагига йўл очиб берадиган сеҳрли сўз. Гўёки, ожиза аёлнинг бахтсизлигига сабаб ёлғизгина «**Зайнаб**» деган исм. Зайнаб чўкаётган одам чўпга ёпишгандай, заиф онг ости сезгилари билан сўнгги чорани қўлламоқчи бўлди. Аммо англамаган ҳаракат ўзини окламайди, коммуникация амалга ошмайди. Атрофимиздаги инсонларнинг тақдирига эътибор бериб қарасак, қандайдир оғир руҳий зарба туфайли ақлдан озганлар мана шу ҳолга сабаб бўлган исмларни, ҳолатларни, жойларнинг номини беихтиёр такрорлаб юришларига гувоҳ бўламиз.

*«Қурвонбиби бир нафас тинмасдан ўзича сўзланар, ким ёнига борса, Зебини мақтаб гапирар, унинг дутор чалиши, ашула айтиши, чок тикиши, тўпти босишларини ҳикоя қилар, юриш-туришлари, қадди-қомати, бўйлари, кўзлари ва қошларининг чиройлилигини айтиб, ҳар кимдан «қани, менинг Зебим? Қани, Зебонам?» деб сўрар: шундан сўнг ҳўнграк отиб йиглаб юборар эди».*¹⁷ Бу икки ҳолатда ҳам ички дастурлаш – фикр-мотив жараёнлари йўқ. Бундай аффект ҳолатлар алоҳида тадқиққа муҳтож. Юқоридаги психологик ҳолатлардан хулоса чиқарган ҳолда биз нутқнинг яратилиш жараёнини икки хил вариантда тавсия этамиз. Биринчиси руҳан соғлом одамларда нутқнинг вужудга келишини ифодаласа, иккинчиси психологик мувозанат бузилган – аффект ҳолатлардаги нутқнинг яратилишини акс эттиради.

Иккинчи қисмда «Ёзма нутқ яратилишида психолингвистик факторларнинг роли» баён этилган. Нутқий тафаккур жараёни ички нутқ ва ташқи нутқдан иборат. Шундан келиб чиқиб, ёзма нутқнинг вужудга келиш

¹⁵ Выготский Л.С. Избранные психологические исследования. – М, 1956.

¹⁶ А.Қодирий. Ўтган кунлар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б.385

¹⁷ А.Чўлпон. Асарлар. 3-жилдик, 2-жилд. –Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти 1994. –Б.265.

моделли ҳам оғзаки нутқнинг ҳосил бўлиш модели билан ўхшаш деб айта оламиз. Бунда ҳам семантик режалаштириш босқичи ва вербал ифодаланиш босқичи мавжуд. «Бадий матн борлиқни ва ҳаракатланувчи, фикрловчи, ҳис қилувчи инсонни уни ўраб турган муҳити билан бирга тасвирлайди».¹⁸ Демак, инсоннинг ички дунёсини, унинг борлиққа муносабатини, кишиларнинг ўзаро муносабатларини тўлақонли акс эттириш бадий матннинг устувор вазифаси ҳисобланади. Матннинг психолингвистик таҳлили билан боғлиқ тадқиқотларда Л.С.Выготскийнинг фонетикада, морфологияда, лексика ва семантикада, ҳатто ритмика, вазн ва мусикада-грамматик ва шаклий категориялар ортида психологик омиллар яширинганлиги ҳақидаги фикри таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.¹⁹ Муаллиф матнни яратар экан ўз дунёқарашига мос келадиган ҳаётий ҳодисаларни танлаб олади. Тўқима, ҳақиқатга зид бўлмаган ҳолатлар муаллиф томонидан ўз фикрини, қарашларини тасдиқлаш ва тушунтириш мақсадида моделлаштирилади. «Ёзувчи оламининг моҳияти ирсият, миллийлик ва ижодкорнинг шахс сифатидаги ўзига хос психологияси билан узвий боғлиқлиги аниқ».²⁰ Шунинг учун ҳам асарда ижодкорнинг диди, таъби, дунёқарашини ёки айни асар яратилаётган пайтдаги руҳияти акс этади. Воқелиқни қай тарзда ифодалашига кўра ёзувчи услуби юзага чиқади. Ўзига хос услубга эга бўлиш ҳаётга бошқача нигоҳ ташлаш, уни турли ракурслардан кузатиш ва тўғри хулосалар чиқариш қобилияти сифатида намоён бўлади.

Учинчи боб «**Нутқнинг қабул қилиниши ва идрок жараёнидаги муаммолар**»га бағишланган. «Матннинг қабул қилинишидаги номутаносиб-ликлар» қисмида коммуникациянинг тўлақонли амалга ошишига тўсқинлик қиладиган психолингвистик омилларнинг моҳияти очиқ берилади. Мулоқот ахборот алмашув жараёнидир. Шунинг учун коммуникатив фаолият турли хилдаги билимларга эга бўлишни талаб қилади. Нутқ (матн) коммуникация бирлиги бўлиб, у тил системавий бирликларини реаллаштиради ва мазмуни тафаккур орқали идрок қилинади. Идрок жараёни бир неча сатҳдан иборат.

1. Реципиент матнни фақат белги сифатида қабул қилади. (яъни матннинг ҳажми, гап қурилиши, услубига эътибор беради).

2. Реципиент матннинг моҳиятини англайди.

3. Реципиент матнни яхлит, тугал бирлик сифатида идрок қилади.

Мана шу уч ҳолат жамулжам бўлганида

Белги → Маъно → Матн АА 3 балга тенг бўлади.

Белги → Маъно АА 2 балга тенг бўлади.

Белги АА 1 балга тенг.

¹⁸ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: 1971. – С.33.

¹⁹ Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. М.: 1976; Белянин В.П. Художественный текст и психология личности. –М.: 1985; Беляев А.И. Мотивы чтения и критерии оценок произведений художественной литературы и различных категорий читателей. –Л.: 1971.

²⁰ Дмитриук Н.В. Национально-культурная специфика вербальных ассоциаций: Автореф. канд.дисс. –М, 1985.

Матннинг яратилиш ва қабул қилиш жараёнини моделлаштириш мумкинми? Моделлаштириш – бирон объектнинг хусусиятларини уларни ўрганиш учун махсус равишда тузилган бошқа объектда қайта ҳосил қилишдир.²¹ Лингвистик модел инсон онгида имконият тарзида мавжуд бўлган конструктив схема эканлиги ва бевосита нутқий жараёнда конкрет лексик бирликлар ёрдамида тўлдирилиши билан характерланади. Бундай моделлаштириш белгилар таркибидаги элементларнинг барқарор муносабатларига асосланади. Д.Набиева моделлаштиришни умуммиллий метод дея таърифлаб, уни қуйидаги тамойилларга амал қилишини айтади: дедуктивлик, тафаккур экспериментидан фойдаланиш ва моделни идеаллаштирилган объект сифатида талқин қилиш.²² Объектни умумлаштириш даражасига кўра Е.Киров моделлаштиришни уч гуруҳга ажратади: 1. Лингвистик фактни тавсифлашга қаратилган аналитик модел. 2. Оралиқ модел. 3.Максимал умумлаштиришга асосланган синтезловчи модел.²³ Психолингвистик тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили инсоннинг борлиққа муносабатини умумлаштириш асосида матнни моделлаштириш мумкин деган хулосага олиб келди.

Иккинчи қисм «Таржима матннинг психолингвистик хусусияти» ҳақида. Таржима кўп қиррали жараён. XX асрнинг 80-йилларидан таржима санъати уч аспектда-психологик, социологик, этник жиҳатдан ўрганила бошлади. Чунки таржимага лингвистик модел сифатида ёндашув бир ёклама фикр юритиш сифатида эскириб қолди ва таржиманинг нутқий фаолият маҳсули эканлиги олимларнинг эътиборидан четда қолганлиги эътироф этилди.²⁴ Шу сабабдан таржима матнига психолингвистик жиҳатдан ёндашиш заруратга айланди. Таржима назариясига кўра таржима жараёни уч босқичдан иборат: кодлаш, қайта кодлаш, декодлаш. Таржима матни дастлаб нутқий фаолиятнинг ўзига хос тури сифатида тил воситалари ёрдамида продуцент томонидан моделлаштирилади – кодланади. Натижада аслият – оригинал матн яратилади. (М-1) Таржимон эса аввал реципиент сифатида матнни қабул қилади – декодлайди. Идрок жараёнидан сўнг продуцент сифатида қайта кодлайди. (М-2) Учинчи босқич – декодлаш натижасида чексиз (М-3) юзага чиқади.

(М-1)

И на дверь ты взглядывай не очень
Всё ровно **калитка** есть в саду...
Не задаром мне **мигнули очи**,
Приоткинув черную чадру...

(М-2)

Эшикка кўп қарайберма сан
Гул боғингга барибир **йўл бор**...
Оқшом менга ниқоб остидан
Оҳу кўзин сузди гулрухсор.

²¹ Философия луғати. –Т.: 1976. –Б.320.

²² Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. –Т.:Шарк, 2005. –Б.12.

²³ Киров Е.Ф. Теоритические проблемы моделирования языка. – Казань,1989. – С.8.

²⁴ Белянин.В.П.Психолингвистика. – М.: 2011; Ключанов И.Э.Психолингвистические прблемы перевода. – К., 1989; Кубрякова Е.С.Номинативнкй аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. Маслова В.А. Коммуникативная лингвистика. – М.:Наука, 2008;

(М-1) ва (М-2)нинг декодланиши билан боғлиқ айрим психолингвистик таҳлилларга эътибор беринг: иккинчи мисрадаги «калитка» – «Дверка в забора, в воротах»²⁵ «кўча эшик, деворга ёки дарвозага ўрнатилган эшикча»²⁶ сўзининг «йўл» деб таржима қилиниши билан қизиқамиз. «Эшикча бор», «дарича бор», «йўл бор» қай бири маъқул?

«эшикча бор» 1.1. Кичкина эшикча (дарича) бор
«дарича бор» 1.2. Кичкина ёғоч эшикча (дарича) бор
1.3. Кичкина темир эшикча (дарича)бор

«йўл бор» 1. Эшик бор. 1.1.Ёғоч эшик бор.
1.2.Темир эшик бор.
1.3.Кичик эшик бор.
1.4.Дарича эшик бор.

2. Йўлакча бор. 2.1.Тош йўлакча бор.
2.2.Тупроқ йўлакча бор.
2.3.Ўтлоқ йўлакча бор.
2.4.Хос йўлакча бор.

3. Усул бор. 3.1.Иложи бор.

Кўриниб турибдики, «йўл бор» иборасининг маъно қирралари кўпроқ, кенгроқ. Демак, таржимон бу сўзни ўринли танлаган. Учинчи ва тўртинчи мисраларда эса таржимон ўзбек китобхони руҳиятини ҳисобга олган ҳолда чиройли таржима ярата олган. Хушёр китобхон дарҳол сўнгги икки мисрага эътибор беради. Аслиятнинг мазмуни бундай: «(Гўзал) қора чодрасини хиёл очиб, бекорга менга кўз қисмади». Менга ёнига кириш учун ишора берди. Рус китобхони учун маъшуқанинг «кўз қисиб» имлаши унга бўлган ижобий муносабатга путур етказмаслиги мумкин. Аммо ўзбек китобхони бундай матнни қабул қилолмайди. Демокчимизки, продуциент – С. Есенин истаган тарзда, етказмоқчи бўлган ҳолатда коммуникация содир бўлмайди. Аксинча, «Кўз қисиб» хабар берган гўзалга нисбатан салбий муносабат уйғонади. Эркин Воҳидов таржимада буни ҳисобга олган ва «мигнули очи» иборасини «кўзин сузди» дея таржима қилиб ўзбек ўқувчисига ҳам гўзалга нисбатан ижобий муносабатни сақлаб қолган. Чунки Шарқда маъшуқанинг нозу карашмаси, кўз сузиб маъшуқнинг қалбини забт этиши гўзалнинг шўхлиги, ўз хуснига қаттиқ ишонганлик белгиси сифатида қабул қилинади. «Кўз сузган» соҳибжамолга нисбатан хайрихоҳлик билдирилади. «Кўз қисди» дейиш билан эса бу ижобий қарашлар ўрнига «енгилтабиат», «одобсиз»

²⁵ С.И.Ожегов. Словарь русского языка. –М.:Русский язык, 1988. –С. 213.

²⁶ Русча – Ўзбекча луғат. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т.:ЎзЭ, 1983. –Б. 415.

семалари кўтарилди ва шоирнинг фикри хиралашди. Эркин Воҳидов буни жуда нозик илғаган.

№	«Кўз сузди»	№	«Кўз қисди»
1	Гўзаллик	1	Енгилтабиатлилик
2	Ўзига ишонч	2	Одобсизлик
3	Эркалик	3	Ғурурсизлик
4	Ноз	4	Таъма
5	Севги		
6	Ғурур		

Учинчи қисмда «Матннинг қабул қилинишида ментал қарашларнинг ўрни» ҳақида фикр юритилади. Матнни қабул қилишда ментал қарашларнинг ўрни бениҳоя катта. Ментал қарашларнинг кўлами ҳаддан ташқари кенглигини ҳисобга олиб, биргина диний қарашларнинг психоллингвистик таҳлили билан чегараланамиз. Ҳар бир дин турли ғоя ва эътиқодларни тарғиб қилади ва шу динга эътиқод қилувчилар онгида бу тушунчалар мустаҳкам ўрин олади. Демак, қабул, идрокнинг тўлақонли амалга ошиши учун томонларнинг диний қарашлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чўлпоннинг «Кеча ва Кундуз» романидаги содда мусулмон қизи Зебининг суд жараёнидаги диалоглари фикримизнинг яққол исботидир:

«Суд раиси, ниҳоят, тилмочга юзланди:

– Айтингиз, айбдор юзини очсин.

– Вой ўлақолай! Шунча номаҳрамнинг олдида юзимни очаманми?

Ундан кўра ўлганим яхши эмасми?

– Яхшилаб тушунтирингиз, юзини очмаса суд мажлисини олиб боролмайман.

– Олиб бормаса майлига... -деди Зеби, -Билганини қилсин!

– Ҳарбий суд масхарами бу кишига? Айтингиз яхшилик билан очсинлар.

Бўлмаса куч билан очдирамиз!

Вой шўрим! Шунча эркак ўтирсан-я! Ўлганим минг марта яхшироқ!

– Отамнинг пиридай кап-катта саллалик домла ўтирибдилар. Қандай юзим билан қарайман?..

– Ҳечқиси йўқ, қизим! Мен қарайман!

Мана булар-чи?

– ... Кофир билан итнинг фарқи йўқ. Итдан қочмайсизми? Шундай бўлса, кофирдан ҳам қочмасангиз бўлади. Бу жоиз.

– Бўлмаса, сиз ўзингиз нарироққа бориб ўтиринг!

– Хўп, қизим, хўп.

Зеби чимматини юзидан олди.

– Мана қилақол сўроғингни!²⁷

²⁷ Чўлпон. Асарлар. 3-жилдлик. 2-жилд. –Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б.250-251.

Мана шу кичкина лавҳанинг ўзиёқ Абдулҳамид Чўлпоннинг инсон руҳиятини нозик товланишларигача илғай олган ҳассос ижодкор бўлганини кўрсатади. Ушбу диалог ҳар бир ўқувчида аёлнинг буюмчалик қадри бўлмаган муҳитга, ерли аҳолига онгсиз қул каби қараган жамиятга нисбатан нафрат уйғотса, содда, ҳуқуқини билмаган гўзал Зебига нисбатан меҳр, ачиниш туйғусини уйғотади. Аммо миллий анъаналардан яхши хабардор ўзбек китобхони учун диалогнинг маъно қирралари янада кенгроқ.

Бўлиб ўтган воқеалар бўйича Зебининг ўз фикри бор. Эримни мен ўлдирмадим. Хотин ўз эрини ўлдирадими, шу оддий ҳақиқатни булар тушунмайдими. Зеби аввалига мингбошига тегишни истамаган бўлса ҳам, кейинчалик тақдирига тан берган ва эрини жуда ёмон одам ҳисобламайди, ҳатто тезроқ фарзанд кўриш орзусида. Зеби бошқача фикрлаши мумкин эмасди. Агар у судда ўзини оқламоқчи бўлганида, ўзини ҳимоя қилганида зинҳор бунга ишонмаган бўларди. Бу Зеби эмас, бу Чўлпоннинг сўзлари деган фикр ўқувчиларнинг хаёлидан ўтар ва роман бу даражада шухрат топмасди. Ўша вазиятда исталган ўзбек аёли билан ҳам юқоридаги мулоқот содир бўларди. Сабаби яна ўша чекловлар билан тўлган тор муҳит, болалигидан паранжи ичига беркитилган аёлларнинг онгига сингиб кетган эркакларга сўзсиз бўйсунушлик каби жаҳолатга йўғрилган эркисизлик ва ҳуқуқсизлик. Шунинг учун мулоқот жараёнида Зеби бутун умри хазон бўлаётганидан эмас, **эркаклар-номахрамлар олдида юзини очираётганларидан** норози бўлади. Суд эса бу соддаликдан унумли фойдаланади. Ушбу вазиятда ночор аҳволда қолган одам домла эди. Зебининг эркаклар олдида юзини очишини истамаётган бўлса ҳам, шунга ундашга мажбур. Аёлнинг ноҳақ жабрланишини сезиб турган бўлса ҳам, бундан изтиробга тушмайди, аксинча, юзини очишга унамаётган бу ўжарга қандай таъсир кўрсатишни ўйлаб жони ҳалак. Ахир нотаниш бир аёлни деб жазоланишни истамайди. Шунинг учун бошқалар эшитмайдиган даражада, секингина, нозик пайтларда вазиятдан чиқиб кетишда қўлланадиган сўнги чорани қўллайди ва кутилган натижага эришади. Ўша пайтда Зебига китобий тил билан бир соат насиҳат қилганда ҳам қизнинг фикрини ўзгартира олмасди. Домла энг тўғри, энг синалган йўлни танлади, яъни Зебининг дунёқарашига, савиясига мослашди. – **Итдан қочмайсизми?** (Қочмайсиз.) **Кофир билан итнинг фарқи йўқ...** (Кофир номахрам ҳисобланмайди.) **Бу жоиз.** (Юзингизни очганингиз билан гуноҳкор бўлмайсиз.) Сўзнинг қудратини қаранг, ҳозиргина юзимни очгандан кўра ўлганим яхши деган аёл чимматини кўтарди. – Мана қилақол сўроғингни! Чўлпоннинг сўз ўйинига қойил қолмай илож йўқ. Аввал Зеби тушунадиган даражада **фикр берилди:** – **Итдан қочмайсизми?** Кейин бу **фикр асосланди:** – **Кофир билан итнинг фарқи йўқ.** Сўнгида **ҳукм айтилди:** – **Бу жоиз.** Тамом. Зебига шунинг ўзи етарли. Ахир **катта саллал** дин пешвосининг ҳукми бу. Домла усталик билан ўзининг ҳурматини ҳам сақлаб қолди, ҳуқумат одамларининг ҳам ҳожатини чиқарди. Аммо буларнинг ҳеч бири бир ожизанинг аянчли тақдирига ачиниш тарзида рўй

бермади. Зеро маҳаллий амалдорлар учун ҳам, мустамлакачилар учун ҳам Зеби шундай қурбонлик эдики, қолганларни бир умр кўрқувда ушлаб туриш учун иккала томонга ҳам бирдай зарур эди.

Тўртинчи бобда «**Субъектив баҳо ва субъектив муносабат ифодалашда лингвистик воситаларнинг ўрни**» ёритилган. Биринчи қисмида «баҳо категориясининг фалсафий, психологик жиҳатлари» очиб берилган. Инсон ҳаёт экан, жамиятда қандай мавқега эга эканлигидан қатъий назар ўзининг дунёқарашини менига эга. Демак, шахсда ўзига ва атрофдаги воқеа ҳодисаларга нисбатан субъектив муносабат мавжуд. Мана шу муносабат у хоҳлайдими, йўқми мулоқот жараёнида акс этади. Нутқий фаолият жараёнида акс этган воқелик мазмуни ва унда акс этган ҳодисаларга берилаётган баҳони таҳлил қилиш имкони мавжуд. Мулоқотга киришаётган субъект баён қилинаётган ҳодисага ва нутқ вазиятига эмоционал баҳо беради, тингловчининг хатти-ҳаракатига таъсир ўтказди. Ш.Сафаров баҳолаш ҳаракатининг юзага келишида беш унсурнинг мавжуд бўлиши мажбурий эканлигини таъкидлайди. Булар: субъект, объект, асос, эталон ва баҳолаш белгиси. Барча «ўлчов»лар босқичидан ўтган баҳо лисоний белги воситасида воқеланади.²⁸ Баҳо мезони ҳар бир коммуникант учун турлича бўлади. Баҳонинг шундай туташ нуқтада тадқиқ этилиши, ўта мураккаб жараён бўлган мулоқотнинг асл моҳиятини, ўзига хос қонуниятларини атрофлича ўрганиш имконини беради.

